

НУҚУҚ

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

6 - fevral,
chorshanba
07
(218)

Fevral				
D	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24

2002



Юртимизнинг қиши ҳам гўзал

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING 2002 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунларини кўриб чиқди. Умумхалқ референдуми кенг демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида ўтганлиги қайд этилди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатида киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари тўғрисидаги Баённи тасдиқлади. Ушбу Баёнга кўра, «Сиз келгуси қақриққ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган.

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқуллангани ҳақида қарор қабул қилди.

Чоршанбадан Чоршанбагача

31 январь

Афғонистон Ислон Давлати муваққат маъмурияти раҳбарининг ўринбосари, режалаштириш вазири Ҳожи Муҳаммад Муҳаққик бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сугурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Афғонистон ҳудудига тижорат юklarини транспортда ташини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори матбуотда чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг республика иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлаш, солиқ интизомини мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда кучайтириш юзасидан қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

4 февраль

Олий Мажлисда Европа комиссияси ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмақ бериш» лойиҳасини молиялаштиришни бошлаганлиги муносабати билан ижрочиларнинг ана шу дастурни амалга оширишга боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи махсус Бошқарув қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

5 февраль

Бухоро вилоят ҳокимлигида «Универсиада - 2002» муСОБАКАЛАРИГА тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилади. Унда 2001 йилда амалга оширилган иш яқунлари ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама қилинади.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП

Сирдарё вилоят прокуратурасида «Прокуратура ва Ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши кураш натижалари асосий кўрсаткичларини ҳар ойда таққослашни жорий этиш ҳақида» семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, жиноятчиликка қарши курашнинг самардорлигини таъминлашда маълумотларни ўзаро тезкор ва аниқ алмаштиришнинг аҳамияти беқийёс. Айниқса бу маълумотларни етказишда локайдликларга йўл қўймаслик, замонавий ахборот тармоқлари ва техникаларидан самарали фойдаланиш муваффақиятлар гаровидир.

Семинар кенгаши Сирдарё вилояти прокурори Э.Бердимуротов олиб борди. Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ИИБ масъул ходими Л.Ҳасанова, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Т.Ражабовлар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

У. УРОКОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси

АНОНС

КЎЁШЛИ
КУНЛАР ҚАДРИ

Осуда давронимизга кўз тегмасин. Элим, юртим деб, ёниб яшашга ундаётган, керагида соябон, керагида қалқон бўла олувчи фарзандларинг кўпайсин, Ватан!



2 - саҳифа

ФОШ ЭТИШ САНЪАТИ

Баъзан шундай жиноятлар содир этиладики, эшитган кишининг ақлини шоширади. Уларни фош этиш эса игна билан қудуқ қазишдан-да, оғирроқ кечади.

7 саҳифа

Дарҳақиқат, нега? Езмаса, шикоят қилмаса бўлмай дими? Бўлади. Лекин ҳаётнинг турли сўқмоқларидан, чорраҳаларидан ўтаётган инсон ўзига боғлиқ бўлган, бўлмаган вазиятларга тушиб, нажот ва ҳақиқат излайди. Тегишли идораларга мурожаат этади. Натижасини кутади. Баъзан кўнгли тўлмай, қайта-қайта қўлига қалам олишга мажбур бўлади. Нега шундай?

Моҳият

Сабот ва чидамдан бошқа нарсаси бўлмаган миллатнинг ҳамма нарсаси бўлиши мумкин ва сабот-матонатдан бошқа ҳамма нарсаси бўлган миллат ҳеч нарсасиз қолиши мумкин. Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислоҳ қилишга қодир.

Абдурауф ФИТРАТ

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.

Korxonana manzili: **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.**

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20,500

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 21.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Naybachi muharrir:
H. NISHONOV
Naybachi: F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Марказдан унча олис бўлмаган, икки четида алп тераклар кўкка буй чўзган равон йўлдан манзил сари тобора яқинлашмоқдамиз.

Тойлоқлик меҳнат фахрийси Шариф ота Хуррамов бизни осто-нада қарши олиб, очик чеҳра билан ичкарига таклиф этди.

— Айбга буюрмайсиз, — дейди Шариф ота хонадаги саранжом-сиғилдан бироз ўнгайсизланиб, — қизу-келиндар барибир янган-гиздек бўлблмас экан.

Фотиҳа тортилгач, ўгирилиб, ичкарига овоз қилди:

— Келин!

Кўп ўтмай дастурхон ёзилди. Шошилмай чой қайтараётган Шариф отага змидан разм соламан.

— Кечирасиз, нима, янгамиз?..

— Нимасини айтасиз, бизни жуда эрта ташлаб кетган. Ҳаммасига ўша лаънати Гдлян ва Ивановлар сабабчи!

— Қандай қилиб?

— Ҳақиқат дедик, адолат бўлсин, дедик. Аммо, бу йўқотиш ҳисобда йўқ эди, муҳбир ука.

Сўхбат мавзуй ўз-ўзидан очилгани айти мўдао эди. Шу боис, бир пайтлар «ўжар прокурор» номини олган Ш. Хуррамовдан ўша воқеалар ҳақида ҳикоя қилишини сўрадим.

— Ўшанда Шахрисабз тумани прокурори эдим. Бир кун ивилоятдан «Жой ҳозирлаб кўйинг, меҳмонлар етиб боришади», қабилда топшириқ олдим. Кўп ўтмай «меҳмонлар» янги «РАФ» машинасида етиб келишди. Бирам димоғдор, ўзига бино кўйган йигитлар. Қўл учуда базўр кўришишди. Гдлян дегани дабдбурустдан мўдаога кўчиб кўя қолди: «Мы ваши здания будем оккупировать!» Нима, ишғол этамиз, дейдими? Совуқ сув сепгандай, баданим жунжикиб кетди. Ахир, вақтинча фойдаланамиз, деса ҳам бўлади-ку! Лекин, барибир

ҚУЁШЛИ КУНЛАР ҚАДРИ

ЁХУД ГДЛЯНГА ЁҚМАГАН ПРОКУРОР

«юқори» билан телефонлашгач, бино калитини улар кўлига топширдим. Эртаси кун улар ваҳима билан еттита машинада келишди. Автомат кўтарган қизил погонли аскарлар бино атрофида постлар ташкил этишди.

Гдлян мени ҳузурига чақириб, туман раҳбарларидан бирини қамаш учун санкция берилишини талаб қилди. Мен унга аввал «чиш» билан танишишим кераклигини айтгандим, бирдан тутақиб кетди. «Айтганимни қил, Бош прокурор томонидан юборилганимни унутдингми?» дейди ўдағайлаб. Нафсониятимга тегиб кетди бу гап. «Биламан, лекин мамлакатда қонун битта, орқавордан санкция чиқарилмайди», дедим-да, эшик сари тисарилдим.

Эртаси кун ивилоятнинг ўзи хонамга келиб, фалон аёлни вақтинча қамаш лозимлигини ўқтирди. «Асос бўлса майли, бўлмаса Москвага телефон қиламан», деб юборибман. Бироз ўйланиб ўтиргач, Иванов чиқиб кетди. Йўлим қалтис бўлса-да, ҳақлигимга ишонардим. Вақт борида даст туриб шаҳарга жўнаб юбор-

дим. Тун ярмида уйга қайтсам, барча чироклар ёниқ. Хотиним дағдағ титраганча кўзларимга тикилади: «Айтинг, хўжайин, бирор шум хабар борми? Милиция сизни излаяпти. Алақандай кимсалар сўқиниб телефон қилишади».

Чинниҳоннинг қув оқарган юзларига қараб юрагим эзилди. Юпатай дейман, қани иложи топилса?

Эртаси кун тўппа-тўғри ишга бордим. Ҳаммаси ҳар ёғимдан олишди. Бирдан тоқиб кетди. Ноҳақ бўлсам, қўявер, деб аҳдимдан қолмадим. Ҳақиқатни тан олишни исташардим, номардлар...

Шулар туфайли бошқа туманга ўтиб ишлашга мажбур бўлдим. Лекин, зиддият ҳамон давом этарди...

Орага бироз сукунат тушди. Дастурхонга қизу-келиндар итсиқ патир, исмаложки сомса тортилса. Таом устида гурунгни давом эттирамиз.

Баҳор келиб кетаверади, умр оқар сувдек ўтаверади. Инсондан хотира қолади. Чинниҳон аяниқ ўша дағдағаларга юраги дош бе-

ролмай, ҳаёт билан вилдолашишга тўғри келганини эшитиб, юрагим увушди. Бирок изида қолган 6 фарзанд, 17 нафар неварани пирибадавлат хонадонда ҳаёт давом этаётганлигининг тимсоли эмасми!

Гурунгимиз анча давом этди. Шариф отанинг кўпчилик учун ибратга молик ишлари катта бир мактабни эслатади. Унга қараб туриб шу нарсани англайман: инсон эъти-

қоди асли суяқда бўларкан. Уни змидан тош отиш, қўрқитиш билан тобе қилиб бўлмайди.

Шариф Хуррамов Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари прокуратура органларида узоқ йиллар меҳнат қилди. Элу юртнинг ишончи ва ардоғига эришди.

Ташкентга қайтар эканман, ота-хон ҳаётида ўчмас из қолдирган машўм воқеалар тафсилоти ҳамон тинч кўймасди. Чўқурроқ ўйлаб қаралганда «ўзбеклар иши»нинг туб илдизи анча чўқур кетган. Гдлян ва Ивановларнинг мақсади ойдек равшан. Улар орасида Ўзбекистонда «ўзини кўрсатиш», «юлдуз»ига юлдуз қўйиш ниятида келганлар ҳам кам эмасди.

Муस्ताқиллик бизга миллатни, Ватанимни севиш билан бирга, ёв кўзига қарашни, унга бирлик қудратини кўз-кўз қилиш имконини берди.

Осуда давронимизга кўз тегмансин. Элим, юртим деб, ёниб яшашга ундаётган, керагида соябон, керагида қалқон бўла олувчи фарзандларинг кўпайсин, Ватан!

Мансур АЛОВИДДИНОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

● ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Қосим ака билан сўхбатимиз тез қовушди. Ўттиз йилдан зиёд ички ишлар идораларида хизмат қилган бу инсоннинг теран мулоҳазалари, одамлар табиатига аниқ ва ҳаққоний баҳо бериш қобилияти гурунгимизга илҳом берди. Тахминий саволларим ёзилган қоғозни чеккага суриб кўйдим-да, самимий сўхбатга киришдим.

— Ўғлим, сизга қараб ўзимнинг ёшлигим эсимга тушди. Ҳар доим шундай, шоғирдларим, ёш издошларим билан гаплашиб қолсам, унинг ёшида мен қандай эдим, нималарга қодир эдим, нималарга ботинолмасдим, деб ўйлаб қоламан. Тан оламанки, бугуннинг ёшларига ҳавас қилмай илож йўқ. Ёшлигимда мен ҳам гайратли бўлганман, шижоатим тўлиб-тошарди, фикримни турли гоғлар чулбаб оларди. Аммо бешафқат совет тузуми уларнинг ҳаммасини ичга ютишга мажбур қиларди.

Нихоят, у кунлар ҳам ўтиб кетди. Ўзимизнинг милициямиз — мустақил Ўзбекистон ички ишлар тизимида хизмат қилиш бахти нәсиб этди. Ёшим эллиқдан охишига қарамай, завқ-шағв билан ишладим. Ёшлик шижоатим қайта уйғонди, саробга айланди, дея юрагимнинг бир бурчагига қалаб кўйган армонларим бош кўтарди.

Ўз Ватанинг, ўз халқинг шарафи, бахти учун курашиш, яшаш инсонга роҳат бағишлайди. Менга шундай бахт нәсиб этганидан фахрланаман. Ички ишлар тизимида турли ла-

Қосим ОЛЛОМОВ:

«ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК»

возимларда ишладим. Ҳар хил тоифадаги инсонлар билан тўқнаш келдим. Гоҳ шодон, гоҳ ғамгин кунларни бошдан кечирдим. Англаганим шу бўлдики, киши ҳар қандай вазиятда ўз виждонига, эътиқодларига ҳақ қолса, ҳеч қандай разолат унга бас келолмайди.

— *Тажрибали хуқуқшунос сифатида мустақиллик йилларида қонунчилигимизда фўй берган ўзгаришлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Юртини севаган ҳар бир фуқаро бугунги ўзгаришлардан қувонади. Бошида шўро замонининг калтаклари синган одамлар кўпроқ хис қилдилар мустақиллик қадрини. Тўғри, у пайтда ҳам қонун бор эди. Бирок бу қонунлар фақат қоғоздагина умр кечирарди. Умуман, совет тузумидаги қонунлар билан мустақил Ўзбекистон қонунлари орасида осмон

қолмасдан, улар ижроси тўла назорат қилинмоқда. Фуқароларга ҳақ-хуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари тушунтирилмоқда. Шунга мунанд, фуқаролар руҳиятидаги ўзгариш, тозарини хис қилиш қийин эмас.

— *Сизнинг буғунги орзу-умидларингизни билишни истардим.*

— Инсон орзу билан тирик. Қолаверса, киши ёши улгайгани сайин умрнинг, вақтнинг қадрига кўпроқ етаркан. Нафақада бўлишимга қарамай, Урганч эҳкзаматор заводида хуқуқшуносман, Бекорчидан худо безор дейишади. Умримнинг бирон дақиқаси бекор кетишини истамайман. Ишдан бўш пайтларим фарзандларим, дўстларим, шоғирдларим билан сўхбатлашаман. Бу сўхбатларда мамлакатимиздаги янгилинишлар ҳақида тўлқинланиб гаплашамиз.

Этибор қилган бўлсангиз, Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви қўшни давлатлар ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу минтақаларга наркотик номили оғунинг кириб келиши кескин қамайди. Назаримда, бу оғуш қарши ҳаммамиз курашишимиз керак. Бунинг учун, аввалла амбор, имкон қадар ишсизликка барҳам бериш зарур. Кейинги йилларда Хоразм вилоят прокуратураси жойларда маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ўтказётган

аҳолини иш билан таъминлаш ярмаркалари ҳам ўз самарасини бермоқда. Шунанга, бугунги орзу-ўйлар ҳаётнинг ҳамма жабҳасини қамраб олади. Беш фарзанднинг қаторида юртимиздаги ҳар бир ота-она боласининг бахтини қўришини истайман. Мана, бу йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Социмга оқ оралаб мен ҳам қарилдиким бўйимга оляман. Ҳар бир инсонга бахтли қариялик гаштини суриш нәсиб этсин! Дорилломон кунларимизга кўз тегмасин!

Б.УЛЛИБОЕВ
сўхбатлашди

P.S. 7 феврал кун икосим Олломов ўзининг 60-баҳорини қаршилайди. Устоз хуқуқшуноси таваллуд кун и билан қўтлаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатли тилаймиз.

ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

Навоий вилоятининг Навоихор туманидаги «Янгиобод» фермер хўжалиги раиси А.Тоғоев туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, туман «Пахта банк»идан мавсум пилла ҳосили учун бериладиган пулни оломай келаётганини маълум қилган.

Текширишда 2001 йил 27 сентябрь кuni хўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақамига маблағ тушгани, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар амалга оширилмаганлиги аниқланди. Прокуратура аралашуви билан «Янгиобод» фермер хўжалигига 127129 сўм пул тўлиқ ундириб берилди.

Қуттепа қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Аҳмедов Охунбобоев тумани маданият бўлимига қарашли марказий маданият уйи директори эли вазифасидан қонунсиз равишда бўшатишганлиги ҳақида туман прокуратурасига ариза ёзган эди. Маълум бўлишича, А. Аҳмедов 2001 йил 3-4 ноябрь кунлари сабабсиз ишда бўлмаганлиги учун маданият ишлари бўлими бошлиғи В.Тургунов уни ишдан бўшатган. Текширишда ушбу буйруқ қонунга зид эканлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддасида интизомий эжазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан қўлланилади, деб кўрсатилган. Ушбу кодекснинг 82-моддасида эса ишга қабул қилиш иш беришнинг буйруғи билан расмийлаштирилади, деб белгиланган. Демак, А.Аҳмедовга иш бериш, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи бўлиб, ўз-ўзидан туман марказий маданият уйи директори эли вазифасидан қўллаш ваколатига ҳам бошқарма бошлиғи эга.

Бундан ташқари, туман маданият ишлари бўлими маъмурияти томонидан ишга чиқмаганлиги юзасидан А.Аҳмедовдан тушунтириш хати олинмаган. Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда унинг ишдан бўшатилишига касба уюмчаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи розилиги олинмаган. А.Аҳмедовнинг вазирлиги текширилмаган. Туман маданият уйи мудирининг А.Аҳмедовни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи қонунга зидлиги сабабли бекор қилинди. Уни бекор қилиш ҳақида Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи номига протест киритилди. А.Аҳмедов вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан лавозимига қайта тикланган.

Дарҳақиқат, нега? Ёзмаса, шикоят қилмаса бўлмайди-ми? Бўлади. Лекин ҳаётнинг турли сўмоқларидан, чорраҳаларидан ўтаётган инсон ўзига боғлиқ бўлган, бўлмаган вазиятларга тушиб, нажот ва ҳақиқат излайди. Тегишли идораларга мурожаат этади. Натижасини кутади. Аксарият ҳолларда дардига даъво топса, баъзан кўнгли тўлмай, қайта-қайта кўлига қалам олишга мажбур бўлади. Бу ерда гап фуқароларнинг ўринли эътирозлари, ёрдам сўраб битган аризаларга эътибор бермай, ўз вақтида ечимини топишни пайсалга солиш ҳоллари ҳақида бормоқда.

Афсуски, бундай ҳолларни республикамизнинг бир қатор туманларида учратиш мумкин. Бу шикоятларни жойлардаги тегишли идоралар вакиллари бемалол ҳал қилиб, вазиятни ойдинлаштиришлари мумкин эди. Бирок фуқаролар ишлари битмагач, юқори ташкилотларга қайтадан мактуб йўллашга мажбур бўлмоқдалар. Буни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таҳлилий хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди.

Фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими 2001 йил даврида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ва унинг бажарилиши юзасидан прокурор назоратини янада кучайтириш талабларидан келиб чиққан ҳолда марказий маҳкамага келиб тушган аризаларни ўз вақтида рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, бўлим ва бошқармаларга ўтказиш, аризаларнинг қонунда белгиланган муддатларда ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Барча прокуратура органларида фуқароларни ҳар кuni шахсан прокурорнинг ўзи қабул қилиши йўлга қўйилди.

Мазкур бўлим томонидан ўтган йилда бу бордадаги ишларнинг бажарилиши Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳар прокуратуралари органларида текширилди.

Текширув натижасида аниқланган камчиликлар вилоятлар ва шаҳар прокуратураларининг ҳайъат мажлисларида муҳокама этилиб, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Фуқароларнинг мурожаатлари сони ўтган йилда 2000 йилга нисбатан ўн минггага камайишига эришилди. Қаноатлантирилган шикоятлар ва жиноят ишига қўшиб ҳал этилган шикоятлар сони ортган.

Қаноатлантирилган мурожаатларнинг асосий қисмини иш ҳақи, меҳнатга доир, ижтимоий йўл ҳимоя, ер бериш, ердан фойдаланиш ва бошқа масалалар ташкил этган.

Бундай ҳолатлар жойлардаги айрим мансабдор шахслар томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигидан дарак беради. Уларнинг ҳуқуқий билим савияларини оширишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш лозим.

роғ номли жамоа хўжалигида ер майдони ноқонуний равишда фуқароларга томорқа сифатида тарқатилиб, талон-тарож қилинаётганлиги ҳақидаги мурожаати текширишда тасдиқланиб, хўжалик раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилиб 78,1 гектар ерни талон-тарож қилгани, режага киритилган ерга аввал макка дони, сўнгра уни бузиб пахта экилганлиги натижасида хўжаликка кўп миқдорда зарар келтирилганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Ариза ва шикоятлар сонининг

15-модда. ФАЙРИҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ МУРОЖААТ БЕРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Фуқаронинг тўхмат ва ҳақорат руҳидаги ёхуд миллий адоват кўзга тилишга ва жиноий тарзда жазоландирилган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи мурожаатни берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунидан)

А.Абдусаломовнинг адвокат А.Сувонқулловнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан ёзган ариза ҳал этилган бўлса-да, жавоб назорат иши жилдига тикиб юборилган.



Минтақаларда прокурор ва тергов ходимлари асосий эътиборни мурожаатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, қонунда кўрсатилган муддатларда ҳал этишда келиб чиқадиган

қонунбузилиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган. Прокурорлар томонидан деҳқон-фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахсларга амалий-ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида

улари бевосита жойларга чиқиб қабул қилиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Натижада тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш борасидаги ишларда ҳам самарадорлик ортди.

Масалан, Пискент туманида яшовчи У.Душаевнинг Х.Қоди-

ўсишига ва такрор келиб тушишига айрим мутасадди ходимларнинг масъулиятсизликлари, назоратни сусайтиришлари, мурожаатларни қонуний ҳал этмаслик, унда кўрсатилган важларни тўлиқ текширмай, юзаки жавоб бериши, жиноий, фуқаровий ва хўжалик ишларини судда кўришда сансалорликка йўл қўйилиши, қонун талабларига риоя қилмаслик, инсонлар тақдирига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам сабаб бўлмоқда.

Жумладан, ҳокимликларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш фаолияти прокурорларнинг назоратидан четда қолаётганлиги оқибатида биргина Қарши шаҳар ҳокимлигида 2001 йилнинг 5 ойи давомида 300 нафар фуқаронинг аризаси жавобсиз қолиб кетган.

Текшириш натижасида ҳокимликнинг 11 ходимига нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзга тилинган. Бундай ҳолни бир қатор шаҳар, туман ҳокимликлари фаолиятида кўриш мумкин.

Айрим ҳолларда мурожаатлар ўз вақтида текширилиб тегишли хулосалар қилинса-да, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига зид равишда муаллифга жавоб бермаслик ҳолатлари маъжуд.

Масалан, Бухоро вилоятининг

Жумладан, Поп туманида яшовчи Х.Солиеванин ишга тиклаш тўғрисидаги мурожаати қонуний ечимини топмагач, вилоят ташкилотига қилган мурожаати натижасида талаблари қаноатлантирилган, бироқ уни асоссиз ишдан бўшатган мактаб директори ҳамда туман халқ таълими бўлими маъмуриятига нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаётган.

Ёки самарқандлик А.Маъруповнинг ТМЭК раиси Г.Саиджоннова Поيارик ва Челақ туманларида яшовчи фуқароларга асоссиз равишда ногиронлик гуруҳи белгилаётганлиги ҳақидаги важларни тасдиқланганлиги ҳолда унга нисбатан қўлланилган таъсир чораси ёритилмаганлиги боис А.Маърупов 2001 йилда Республика Бош прокуратурасига қайта мурожаат қилган.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улардан тушаётган ариза ва шикоятларнинг оқимини янада камайитириш вақти келди. Бунинг учун жойлардаги масъул шахслар ўз ишларига эътиборни яна ҳам кучайтиришлари лозим.

О.ҚОСИМОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асослабгина чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади.

Ислом КАРИМОВ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази, Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни амалиётга татбиқ этишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ушбу конференцияда юқорида қайд этилган қонуннинг лойиҳасини бевосита тайёрлашда иштирок этган, ҳозирда илмий изланишлар олиб бораётган етук ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар ва прокуратура органлари ходимлари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Мухбирларимиз ушбу анжуманда қатнашиб сўзга чиққанларнинг айрим фикрларини қоғозга тушириб қайтдилар.

АДОЛАТ

Абдулла ДАВЛЕТОВ,
Республика Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази катта ўқитувчиси:



— Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айбланувчининг ҳуқуқларини белгилочи ЖПКнинг 46-моддаси 1-қисми, унинг ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция судининг маж-

лисларида иштирок этиши; гуноҳ қилинувчининг ҳуқуқларини белгилочи ЖПКнинг 48-моддасининг 1-қисми унинг ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи билан тўлдирилиб, натижада айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари сони 16 тага, гуноҳ қилинувчининг процессуал ҳуқуқлари 7 тага етди. Шундай қилиб ҳимоя қилиниши шарт бўлган ҳуқуқ доиралари янада кенгайтирилди.

Эңдиликда уларнинг ушбу процессуал ҳуқуқларини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўз навбатида, гу-

«Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний томонидан суриштирувчи ва дастларбки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин...»

(ЖКнинг 583-моддасидан)



Мирзайусуф РУСТАМБОВ,
ТДЮИ ректори:

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг замонавий стратегиясини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шу маънода ЮрТбощимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг иккинчи қақирин олтинчи сессиясида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналишларини белгиллаб берган эдилар. Бу дастурий йўл-йўриқлар ана шу сессияда ўз қонуний аксини топди.

Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашни халқаро меъёрларга тенглаштириш ва мувофиқлаштириш, одил судловни янада демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришдан иборатдир.

Жазолаш тизимининг репрессив функцияларини чеклаш ва қисқартириш ҳисобига қонун ҳужжатларининг адолатличилиги ва инсонпарварлик тамойилни кучайтириш ҳам қонуннинг мақсадларидан биридир.

Бу нимага кўринади? Масалан, иқтисодий жиноятларни олади-ган бўлсақ, жиноятни содир этган шахсни жазолаб, уни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо белгиллаш ўрнига, келтирилган зарарни ундирши бирмунча афзал эмасми? Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, аввал жиноят учун жазо сифатида белгиллаб келинган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридagi жарима эңдиликда энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари қилиб белгиланди.

Айрим турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси аввал ЖКнинг 13 та моддасида акс этган бўлса, кейинчалик бу 8 та моддада қолди. Ҳозирда эса ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда одам ўлдирши (97-модданинг 2-қисми), агрессия (151-модданинг 2-қисми), терроризм (155-модданинг 3-қисми) ва геноцид (153-модда) моддаларида қолди, холос. Ва бу жазо тури 60 ёшдан ошган, ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланмаслиги, шунингдек вогага етмай туриб ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этганларга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланмаслиги инсонпарварлик тамойилнинг амалдаги ифодасидир.

Бу тамойил жиноят ораксиде топишган мол-мулклардан ташқари, мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилиниши билан янада ривожлантирилди. Тўғри-да, жиноятни бир киши содир этса-да, унинг жабрини бутун оила кўрса?

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — жазо белгиллашда эшининг эътиборга олинишидир. Эңдиликда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган 60 ёшдан ошган эркеклар ва аёлларга нисбатан содир этган жинояти учун тегишли моддада белгиланган озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддати унинг тўртдан уч қисмидан ортқ бўлиши мумкин эмас.

Ярашиш институтининг киритилиши биз учун янгилик, десақ муболага бўлмас. Агар шахс биринчи марта жиноят содир этган ва ўз айбига иқроқ бўлиб, жабрланувчи унинг қилмишини кеңирса ва у билан ярашиш истагини билдирса, нима учун бунга тўқсинлик қилиш керак?



Азимжон ЭРГАШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1-ўринбосари:

— Тарихий нуқтаи назардан олганда, ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз берди.

Биринчидан, давлатимиз халқаро ҳамжамиятда ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллади. Тараққиётимизнинг жаҳон демократиясига

ассосланган ягона ҳуқуқий жамиятни барпо этишга қаратилган стратегияси ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида туб ислохотлар амалга оширилди. Бунда ҳокимиятнинг барча институтлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган давлат ҳокимиятини тақсимлаш тамойилга мувофиқ тарзда ташкил этилди.

Учинчидан, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу эса ўз навбатида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг самарали ва жадал амалга оширилишини таъминлади. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий асослар мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш ва ижтимоий адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар умуминсоний ва халқаро ҳамжамиятда эътироф этилган қадриятларни ўзида мужассам этганлиги халқаро экспертлар томонидан тан олинди.

Тўртинчидан эса, амалга оширилган ўзгаришларнинг биз учун асосий жиҳати шундаки, республикамизда суд-ҳуқуқ тизимининг асослари ва замини юртбошимиз ташаббуси билан халқаро талаблар ва меъёрлар даражасида ислох қилиниб, тубдан қайта қурилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, бугун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими фаолиятини эркинлаштириш, жиноятлар учун таъқиб қилишни инсонпарварлаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ўзаги бўлмоғи лозим.

Шу туфайли ҳам жиноий жазо сиёсати нисбатан ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш айна мудидадир. 2001 йилнинг 18 октябрида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Ушбу қонун мазмун ва сифат жиҳатидан амалда бўлиб келган ўзгаришлар ва гоёвий йўл-йўриқларга асосланган жиноят ва маъмурий қонун ҳужжатлари концепциясининг мафқуравий моҳиятини ҳам тамоман ўзгартирди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят ва маъмурий қонун ҳужжатларининг тубдан ўзгартирилиши ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишимиз билан бевосита боғлиқдир. Эңдиликда инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, унинг мол-мулкни муҳофаза қилиш янгича маъно касб этади.

Қонунларга киритилган янгиликларда иккита дунёвий тенденция изчил амалга оширилади: бир томондан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ҳамда биринчи марта содир этилган жиноятлар ва уларнинг айрим тоифалари учун жавобгарликни юмшатиш билан бир қаторда, иккинчи томондан, энг хавфли жиноятлар, шунингдек, уларнинг рецедив кўри-нишлари учун жавобгарликни кучайтириш йўлидан борилади.

Жиноятларга оид қонун ҳужжатларига киритилган бу ўзгариш ва қўшимчалар иқтисодий соҳасида жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш имкониятини кенгайтирган ҳолда бошқа жазо чораларининг эркинлаштирилиши бугун муҳокама қилинаётган масаланинг ўзига хос жиҳатидир.

Шу йил Республика Бош прокурорининг топшириғига мувофиқ, барча прокурор-тергов ходимлари янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, жиноий жазоларнинг либераллаштириш тўғрисидаги ва амалдаги қонунлар бўйича тест синовлари топширадилар. Кейинчалик тест синовлари мунтазам равишда ўтказилади.

Лоси МАРТИН,
Америка юристлар ассоциациясининг жиноят ҳуқуқи дастури бўйича Ўзбекистондаги вакили:

— Қамоққа олиш ва қамоқда сақлаш билан боғлиқ масалалар кўплаб мамлакатларда турличадир. Масалан, Буюк Британия ва АҚШда тергов жараёнига алоқаси бўлмаган мустақил полиция ходими қамоққа олинган шахс полиция маҳкамасига келтирилган пайтдан эътиборан ўша шахснинг хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади. Ушбу ходим қамоққа олинган шахснинг қамоқда сақланиш давридаги жисмоний ва руҳий ҳолатларини ёзма равишда қайд қилиб боради. У яна ўша шахснинг қамоққа олиниш сабаблари ва ишга жалб қилинган полиция ходимлари ҳақида ёзма равишда тафсилотлар келтиради. Кейинчалик қамоқда ушлаб турилган шахснинг ҳузурига ташриф буюрган барча кишилар, текширувлар, унга берилган озиқ-овқат ва ичимликлар, ўтказилган барча тинтувлар ва олиб борилган сўхбатлар ҳақида қайд қилинган ёзувлар сақланиб борилади. Маҳбус билан алоқада бўлган ҳар бир шахс билан ёзув қайд қилинади ва ўша шахс ўзига тегишли бўлган ёзувга имзо қўяди. Маҳбус томонидан қилинган ҳар бир ҳаракат, жумладан, у бир камерадан бошқасига ёки ушлаб турилган жойдан бошқасига ўтказилиши ва ўша пайтда бу ишларни амалга оширишга жавобгар бўлган шахслар тўғрисида ҳам ёзув қайд қилиб борилади.

Бу ишлар нима учун амалга оширилади?

Улар буни маҳбусларни қийноққа солишдан ҳимоя қилувчи ҳуқуқий мажбурият деб ҳисоблайдилар. Бу ишларнинг амалга

оширилиши шикоятни ўрганишда маҳбус шикастланган пайтда унинг хавфсизлиги учун ким жавобгар бўлганлигини жуда осон аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, қамоқда ушлаб турилган шахсга нисбатан ноқонуний муносабатда бўлган ходим жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам қамоқда сақланаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар қилиниди ва қилинмоқда. Ўтган йили суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилишдаги амалий ишлар билан мамлакатингиз ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш сари жуда катта қадам ташлади. Мен Ўзбекистон ҳам қамоқда сақланаётган шахснинг ҳолатларини протоколлаштириш тизими яратиш учун ҳамма имкониятга эга, деб биламан.

«Тангри авф этувчидир ва авф этувчи кишиларни дўст тутади.»

«Рўза, намоз ва садақа қилишдан ҳам афзал амалдан хабар берайми?! У икки кишини яраштириб қўйишдир. Бировларнинг ўрталарини бузиш диннинг қиронидир.»

ХАДИСДАН

ҲУҚМ СУРГАН ЮРТДА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛАДИ

мон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари таъминланмаслиги жиноят процесинда қонунийликни бузиш ҳисобланади ва ЖПКнинг 484-моддасига мувофиқ кассация ёки назорат тартибда ҳукми бекор қилиш ёхуд ўзгартириш учун асос бўлади.

Гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш — ҳар бир суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьянинг профессионал вазифасидир. Мазкур талаблар мамлакатимиз тан олган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ва бошқа халқаро конвенцияларда баён қилинган ҳуқуқий нор-

маларга мос келади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши учун:

а) улар қонунда белгиланган процессуал ҳуқуқларини тўла билишлари, унинг мазмунини тушуна билишлари;

б) процессуал ҳуқуқлардан фойдалана олишлари учун имконият ва шарт-шароитлар бўлиши ҳамда бу ҳуқуқлардан фойдаланишга тўқсинлик қилувчи ҳолатлар олиб ташланиши;

в) улар ўз ҳуқуқларидан фойдаланганликлари тўғрисида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлиши керак.

Маълумки, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ушланганда, унга нима сабабдан ушланганлиги тушунти-

рилади ва гумон қилишга асос берувчи маълумотлар асосида у ишга гумонланувчи сифатида жалб этилади, бу тўғрисида қарор қабул қилинади.

Қарорда у қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, унинг қилмиши ЖКнинг қайси моддасида назарда тутилганлиги, ушлаб туришининг сабаб ва асослари, шунингдек, шахсни ушлаб туриш, агар жиноят илгари кўзга-тилмаган бўлса, жиноят ишини кўзга-тиш ва уни гумон қилинувчи тарзида ишга жалб этиш қарорда кўрсатилиши керак.

Сўнгра унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Бизнинг бош вазифамиз — ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулишидир. Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланилишини таъминлашимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ



Мавжуда РАЖАБОВА,
Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани жиноят ишлари бўйича суд раиси:

— Умуман олганда, ривожланган давлатларда биздагидек тергов ва суд тергови алоҳида институт деб қаралмайди. Тергов органлари ўрнини прокуратура эгаллайди. Суриштирув билан ҳамкорликда давлат айбловчиси иссиқ излар ёрдамида зарур ва кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларини, жумладан, воқеа жойини кўздан кечириш, турли экспертизалар тайинлаш, гувоҳлар ва жабрланувчидан тавфсилотлар тўғрисида тезда сўраб-суриштириш, бир сўз билан айтганда, рўй берган ҳодисада жиноят аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш билан қисқа муддатда шуғулланади. Тўпланган материаллар бўйича гумон қилинувчини аниқлаб, хат билан ҳужжатларни суднинг ихтиёрига юборади. Суд ишни ўрганиб, терговни бошлашга асос бор, деб тарафларга маълум қилади. Шундан сўнг у айбланувчи ва ҳимоячи тортишув асосида суд жараёнида фаол иштирок этади.

Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонунга асосан бизда ҳам тергов муддатлари қисқартирилди. Айниқса, айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари узоғи билан бир йил муддатдан ошмаслиги белгиланди. Илгари бу муддат бир йил олти ойгача узайтирилар, судда иш кўриш муддати эса чегараланмаган эди. ЖПКнинг 405-моддаси ўзгартирилиб, янги тартибга кўра, жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида хал этилиши керак.

Агар бу бу муддатда ишни тугаллаш имкони бўлмаса, шу суднинг ажрим асосида юқори суд раиси томонидан тўрт ойга, Олий суд раиси томонидан олти ойгача узайтирилиши мумкин. Қонунчиликдаги бундай ўзгаришларга ижобий баҳо бериш лозим.

Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширди десак муболаға бўлмайди. Инсон бор экан, бир-бирига нисбатан доимо кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиши даркор. Республикаимиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг туб мазмунини ҳам энг аввало инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Шундай экан, давлатимиз билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган кишиларга, шунингдек, енгил-елли ҳаёт кечириш пайида юрганларга жиноятдан қайтиш, босилган қадамни яна бир бор ўйлаб кўриш учун имкон берди. Илгарилари бир қоп боддинг ўғирлаганлик учун ҳам, автомашина ўғирлаганлик учун ҳам озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб келинган. Ислохотлар давомида жазо тизимининг ана шундай жиҳатларига аниқлик киритилди. Бундай ўзгариш ҳалигача МДХ давлатларининг бирортасида бўлгани йўқ. Бу фикр конференция давомида ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Конференцияда шунингдек, ярашув институтининг киритилиши янгилик эканлиги, унинг ўрни ва аҳамияти қайси жиҳатлари билан кўзга ташланиши ҳақида ҳам гапирилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби тадбирлар мамлакатимиз қонунчилигини янада мустаҳкамлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда бу борада олиб борилаётган ишларнинг туб аҳамиятини тушуниб олишда катта аҳамиятга эгадир.

Анжуман материалларини «Хуқуқ» мухбирлари Ж. ШАРОФБОЕВ, Д. ХАЛИЛОВ ҳамда А. ТУРАЕВ (сурат)лар тайёрлашди.



Бахтиёр ПУЛАТОВ,
М.Улугбек тумани прокурорининг ўринбосари:

— Судда ишларни кўришда иштирок этаётган прокурор ўзига берилган қонуний ваколатларидан, энг аввал, суд қарорларининг қонуний бўлишига зарур даражада таъсир кўрсатиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашда самарали фойдаланишлари лозим. Суднинг асоссиз, ноқонуний чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорлари прокурорнинг апелляция, қолаверса, кассация ва назорат протестлари орқали тўғриладиб, қонунга мослаштирилишига эришиш керак. Бунинг учун прокурорлар суд муҳокама-сига пухта тайёрланишлари, суд терговиди фаол иштирок этиб, иш ҳужжатлари ва далилларга асосланган ҳолда фикр беришлари шарт. Ана шундагина судлар томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олди олинади.

Прокуратура халқининг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришининг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур.

Ислом КАРИМОВ



Эркин АБЗАЛОВ,
Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори:

— Мен фуқароларимиз ҳуқуқий онгининг даражасига тўхталмасдан, балки прокурор томонидан ярашувнинг ихтиёрийлиги ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги ва етказилган зарарларни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлиги; жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га ёки гумон қилувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини ва бошқа муҳим ҳолатларнинг суд жараёнида муҳокама этилишида прокурорларнинг фаол иштирок этиши шартлигини таъкидлаш ўринли, деб ҳисоблайман.

Жиноят кодексининг 167-170-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида чиқарилган ҳукмлар кучга кирмаган бўлса, судланган шахсларнинг қилмишлари жиноят кодексига киритилган ўзгартиришларга асосан квалификация қилиниши учун прокурор масъулдир. Бу борада баъзи ишлар амалга оширилмоқда.

Жазонинг содир қилинган қилмишининг ижтимоий хавфсизлигига мос ёки мос эмаслиги, судланувчига озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа жазоларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги, айбдорнинг шахси ва бошқа масалалар судда иштирок этаётган прокурорнинг диққат-эътиборида бўлиши керак.

Шу билан бирга, суд томонидан судланувчига низоҳатда оғир ёки унинг шахсига мос бўлмаган жазо тайинланган бўлса, бунга нисбатан прокурорнинг ўз нуқтаи назарини билдириши қатъий талаб қилиниши шарт.

Аҳмед АХМЕДОВ,
Республика Бош прокуратурасининг судларда жиний ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари:



— Қонунга киритилган ўзгартиришларни тергов-суд амалиётида қўллашда бир хил ёндашувни таъминлаш учун Олий суди пленумида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2001 йил 21 ноябрда қарор қабул қилинди.

Шу ўринда ушбу қарорнинг айрим моддаларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қарорнинг 5-бандида ЖКнинг 43-моддасига киритилган ўзгартириш билан мол-мулкни мусодара қилиш жазо тури (ЖКнинг 53-моддаси) жазо тизимидан чиқарилганлиги кўрсатилиб, айни пайтда гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят қуролларининг мусодара қилиниши, жиноят йарса (предмет)ларининг давлат эгаллигига ўтказилиши ва жиноий йўл билан ортирилган мол-мулк кимга тегишли бўлишининг белгиланилишига жиноий жазо чораси сифатида қаралмаслиги ва бу масалалар ЖКнинг 211, 284, 285-моддалари тартибда хал қилиниши лозимлиги белгиланган.

Қонунга киритилган бу ўзгартиш дастлабки тергов органи ва судни шу моддаларда назарда тутилган ҳолатларда ҳамда етказилган мулкий зарарни қоплашда айбдорни, тегишли мол-мулкни хатлаш мажбуриятидан озод этмаслигини эътиборда тутишни талаб қилади.

Қарорнинг бу бандида гумон қилувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли жиноят қурол мусодара қилиниши кўрсатилган бўлса-да, суд амалиётида айрим ҳолларда жиноят қуролини (масалан, автомашинани) фуқароларга қайтариб бериш ҳолатлари учрамоқда. Назаримизда, айбдор ишончнома(доверенность) бўйича автомашинадан фойдаланиб жиноят содир этса, суд ушбу автомашинани давлат фойдасига мусодара этиб, уни эгасига қайтариш масаласини фуқаролик тартибиди хал қилиш лозимлигини тушунтирса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳаётда айрим шахсларнинг ўзига тегишли автомашина ва бошқа мулкларини қариндошлари, танишлари номига расмийлаштириш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Яна шунинг назарда тутилмоқчи, жиноий йўл билан ортирилган мол-мулкнинг тақдирини белгилашда, масалан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, яъни, жиноий фаолият натижасида топилган мулкни ўтказиш, мулкка айланттириш ёки алмаштириш ҳоллари жиноят нарчаси сифатида баҳоланиб, фуқароларга қайтарилмаслиги керак ва ЖПКнинг 285-моддаси талабларига мувофиқ суд ҳукми билан етказилган мулк қийинчи қоплаш учун сарфланиши лозим. Зийни қоплашдан ортган сумма эса давлат фойдасига ўтказилиши керак.

«ХУКУК»ий маслаҳатхона

Менинг уч нафар фарзандим бор. Шу сабабли қонунга биноан уч кун қўшимча равишда таътил олишга ҳақли эканман. Ана шу таътил асосий меҳнат таътилига қўшиб олинганими ёки алоҳида олса ҳам бўлади?

С.ТУРОПОВА,
Тошкент шаҳри

Уч иш кундан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган қўшимча таътилни ҳар йили ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар олиши мумкин.

Бу таътил йиллик асосий таътилга қўшиб берилди. Сизнинг илтимосингизга кўра, меҳнат таътили қисмларга бўлиб берилиши ҳам мумкин. Лекин бунда таътилни бир қисми ўн икки иш кундан кам бўлмастлиги лозим.

Шунингдек, бундай тоифадаги аёллар ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътил олишга ҳақли. Бундай таътил хоҳишга кўра йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш бевручи билан келишган ҳолда бошқа вақтда ҳам олиниши мумкин.

Мен ҳозир 45 ёшдаман. 6 нафар фарзандим бор. Фарзандларимдан биттаси бошқадан ногирон ва у ҳозир 10 ёшга тулди.

Мен 45 ёшда пенсияга чиқишим мумкинми?

Р.ТОҒАЕВА,
Навоий вилояти,
Кониҳ тумани

Мақсуд ҳолат бўйича сиз умумий пенсия ёшидан фақат 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олишга ҳақлисиз. Демак, Сиз 45 ёшда пенсияга чиқишга ҳақли эмассиз.

Агар «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган ишларда ишлаган бўлсангиз, умумий белгиланган ёшни (55 ёш - аёллар) 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли равишда пенсияга чиқишингиз мумкин.

Амаким яқинда Жиноят кодексининг 273-моддаси билан айбланиб, иши судга оширилди. Суд жиноят иши билан танишиб чиққанидан сўнг судланувчи ҳимоячи билан таъминлашни лозим, деган хулосага келди. Қонун бўйича амаким ҳимоячи олмасдан, ўзини-ўзи ҳимоя қилиши ҳам мумкинми?

А.САИДУРТОВ,
Хоразм вилояти

Амакингиз вояга етган, ақли расо ва ўз ҳаракатлари юзасидан тўла жавоб бера олса, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил равишда ҳимоя қилиши мумкин. Лекин, агар суд жиноят ишини кўришда ҳимоячи иштирок этиши лозим деб топган бўлса, демак содир этилган жиноят ҳолатлари, судланувчининг шахси шуни тақозо этган ва суд ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган асосларнинг биридан келиб чиққан. Унга кўра (ЖПКнинг 51-моддаси) қуйидаги ишлар бўйича ҳимоячи иштирок этиши шарт:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;
 - 2) соқовлар, қарлар, кўрлар ёки бошқа жисмоний нуқсонли ёхуд руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қийналадиган шахсларнинг иши бўйича;
 - 3) суд олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
 - 4) содир этилган жиноятга жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган ишларда;
 - 5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, ишда улардан бирининг ҳимоячиси иштирок этаётган бўлса;
 - 6) ишни кўришда давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган бўлса;
 - 7) ишда жабрланувчининг вакили сифатида адвокат қатнашаётган бўлса;
 - 8) тиббий даволаш мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича.
- Агар суд қўрилаётган ишда амакингиз ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келган бўлса, унда у ишда ҳимоячи иштирок этиши шарт деб топишга ҳақли.

Ушбу аризамнинг мазмуни шундан иборатки, ҳамшаҳарим Қаҳрамон исмли йигит: «Менинг ишим кўп, сенга нотариус орқали ишончнома бераман, менинг номимдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга, даъво қўзғатиб ариза топширишга, юрридаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар чиқарган ҳужжатларни олишга ҳақли бўласан» деди, мен рози бўлдим.

Ушбу ваколатларни бажариш учун кетадиган харажатлар ишончномада кўрсатилиши лозимми? (йўл ҳақи, тушлик) Сиздан илтимос, менга ҳуқуқий маслаҳат берсангиз.

И.КЎЗИБОВЕВ,
Фарғона вилоят
Марғилон шаҳри

Шахс номидан вакиллик қилиш учун бериладиган ишончномада вакиллик қилиш жараёнида қилинадиган харажатлар кўрсатилмайди. Бу харажатларнинг қонунчилигини таъминлаш ва келгусида низо келиб чиқишининг олдини олиш учун ёзма равишда икки томонлама шартнома тузиш лозим.

САВОЛЛАРГА ҲУҚУҚШУНОС Д.ХАЛИЛОВ ЖАВОБ БЕРДИ.

ЯНА БИР ТАБИЙ ОФАТ

ОАВ тарқатган сўнги маълумотларга қараганда Туркияда юз берган зилзила оқибатида 45 киши қурбон бўлган, 300 дан ортиқ киши эса турли даражада жароҳат олган. Минглаб одамлар бошпанасиз қолиб, кўчаларда ва автомобилларда тунашга мажбур бўлишмоқда. Кўплаб аҳоли пунктларида махсус қодирли лагерлар ташкил этилган. Табиий офатдан жабр кўрган фуқароларнинг фикрича ҳукумат томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва бошқа чора-тадбирлар талаб даражасида эмас.

ТАЛАБАЛАР ҲИБСДА

Яман ҳукумати ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан 115 нафар хорижлик талабалар ҳибсга олинган. Ҳозирда улар устидан суриштирув ва тергов ишлари бошлаб юборилди. Бунга сабаб, улар орасида террорчилик ташкилотларига аъзо бўлган мутаассиблар ҳам борлиги ҳақида гумонлар мавжуд. Маълумки, Афғонистондаги ҳарбий лагерларда таълим олган турли тоифадаги жангарилар мамлакатдаги ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Жанубий Осиё ва Африка мамлакатларига ҳам тарқалиб кетган бўлиши мумкинлиги ҳақида тахминлар бор.

САМАРАСИЗ МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Фаластин мухторияти раҳбарлари билан ўн кундан сўнг янгидан музокара олиб боришга тайёрлигини маълум қилган. Танқидларга жавобан, Бош вазир Фаластин мухторияти вакиллари билан яқинда бўлиб ўтган музокаралар чоғида фақатгина эўравонлиқни тўхтатиш борасида гап бorganини, дипломатияга доир масалалар эса муҳокама этилмаганини маълум қилган. Маълумки, бўлиб ўтаётган расмий учрашувлар ҳеч қандай натижа бермаётгани ҳақида танқидий фикрлар кун сайин ортиб бормоқда. Фаластин мухторияти вакиллари ва Ариэл Шарон ўртасидаги музокарадан сўнг хунрезликларнинг олдини олиш борасида бир қадам ҳам олдинга силжиш юз бермади.

Ҳазо минтақаси жанубида, Хон-Юнусдан узоқ бўлмаган жойда автомобил портлаши оқибатида тўрт нафар фаластин фуқароси қурбон бўлди. Гувоҳларнинг шохидлик беришича, портлаш юз берган пайтда ҳавода Исроил армиясига қарашли вертолёт учиб юрган. Лекин портлаш ҳақиқатан ҳам ракета зарбаси оқибатида юз берганими - йўқми ҳали аниқ эмас. Исроил томони ҳозирча воқеа ҳақида бирор хабар тарқатгани йўқ.

● Нихоҳ



Италиянинг кўна ёдгорликларидан бири



«ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ» ҲОЛАТ

Футбол бўйича Конго Демократик Республикаси миллий терма жамоасининг Африка Кубоги мусобақасида сенегалликлардан мағлубиятга учраши қизиққон мухлисларнинг пойтахт кўчаларида тартибсизликлар келтириб чиқаришига сабаб бўлди. Гувоҳларнинг сўзларига кўра аламанда мухлислар дуконларнинг витриналарини синдириб, уйлар ва маъмурий бинолар деразаларига тош ота бошлаган.

Тартибсизликларни бартараф этиш учун Киншаса шаҳри марказига қўйиб қўйилган полиция бўлинмалари келтирилган.

ВАЗИР СУДДА ҚАТНАШАДИ

Аргентинанинг собиқ иқтисодиёт вазири Доминго Ковальо аҳолининг мамлакат банкларидagi депозитларидан нақд пул олишини чеклаш тўғрисидаги ноқонуний қарор юзасидан судда қатнашаётган бўлди. Бу ҳақида Telam давлат ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Ковальо 2001 йилнинг декабрь ойида аҳолининг банклардаги депозитларидан нақд пул олишига чеклашлар жорий қилиш тўғрисидаги буйруққа имзо чеккан эди. Бир неча судлар бу қарорни ноқонуний деб топган бўлишига қарамай, вазир банкларга буйруққа итоат этиш ҳақида кўрсатма берган. Энди Ковальо суд қарорига буйсунмаслик ҳамда ҳукумат вакилига номуносиб ҳатти-ҳаракат содир этганида айбланмоқда.

ТАЛОФАТЛАР ЙЎҚ

Ўтган куни Арманистонда икки бор ер силкиниши қайд этилди. Бу ҳақида сешанба куни Арманистон ҳукумати хабар тарқатган.

Мамлакат фавуқлодда вазиетлар вазирилик матбуот хизмати-нинг ахборотига кўра, табиий офатдан жабрланганлар ва вайронагарчиликлар йўқ.

Душанба куни тонгда юз берган биринчи ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 6 баллга тенг бўлган.

Зилзила пойтахт Ереван ва қўшни Грузиянинг бир қанча шаҳарларида ҳам қайд этилган. Шу куни кечаси юз берган 4 балли зилзила маркази Туркия билан чегарадош ҳудуддаги Арташата шаҳри яқинидадир.

ҚИСҚАЧА

«New York Times» газетасининг ёзишича, Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ҳар қандай Исроил етакчиси билан фаластинликларнинг озодлиги ва Исроилнинг хавфсизлиги бўйича музокара олиб боришга тайёрлигини билдирган.

НАТОнинг Мюнхенда ўтказилган мудофаа тўғрисидаги конференциясида ташкилот раҳбари Жорж Робертсон қишқил қилар экан, мудофаа имкониятларини чуқурлаштириш кераклигини айтди.

ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТСИЗ ЯКУНЛАНДИ

Душанба куни Япониянинг Танегашима космодромидан учирилган Н-2А ракета-си DASH сунъий йўлдошини белгиланган орбитага етказиб боролмади. Бу ҳақида Япония космик агентлиги (NASDA) парвоз амалга оширилганидан 9 соат ўтгач маълум қилган. NASDAnинг ушбу парвоздан умиди катта эди. Чунки бу парвознинг муваффақияти фазога сунъий йўлдош чиқариш истагидаги мижозлар ишончини қайта тиклаши керак эди. Турган гапки, ушбу муваффақиятсизлик Н-2А ракетасини тижорат мақсадида эксплуатация қилиш борасида «катта танаффус» эълон қилди.

● ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

«Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди» деган фильмда жиноят-қидирув бўлими бошлиги Жеглов эсда қоладиган бир гапни тинимсиз такрорлаб юради: «Жиноятчи турмада ўтириши шарт!» Жуда тўғри гап, ammo ўша жиноятчининг кимлигини аниқлаб, қўлга тушириб, қилган жиноятини исботлаб, турмага тикқунларича ёки тегишли бошқа бир чора кўргунларича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари қанчалар меҳнат сарфлашларини, қанчалар тер тўкишларини бирон киши ҳисоб-китоб қилиб кўрганмикан?

Тўғри, жамият бор экан, хоҳлай-мизми- йўқми, барибир қаердадир қандайдир жиноятлар ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилаверади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари эса жиноятларни фош этиш мақсадида кунларни тунга, тунларни тонгга улаб, хизмат қилаверади. Ammo бўъзан шундай жиноятлар содир этиладики, эшитган кишининг ақлини шоширади. Уларни фош этиш эса игна билан қудуқ қазишдан-да оғирроқ кечади. Жиноятчи эса шунчалар устакор бўладики, уни «жиноят содир этган», деб ўйлашнинг ўзи жиноят бўлиб туюлади.

Бир куни хусусий тадбиркор Н.Рашидовнинг отаси А.Икромов тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Унинг айтишича, ўғли икки кун аввал машинасини миниб, ишга кетганича ҳали уйга қайтиб келмабди. Ота-она, қариндош-уруғлар суриштирмаган жой қолмабди. Қисқаси, бир одам домдараксиз ғойиб бўлган. Бу ишни очиб Республика Бош прокуратурасининг криминалистика бўлими катта прокурори, адлия катта маслаҳатчиси прокуратура тизимида узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келаётган Зайнулла Баймухановга топширилди.

У текширишни аъъанавий усуллар билан бошлади. Биринчи навбатда Н.Рашидовнинг энг яқин танишларини аниқлади. Уларнинг ичида Руслан Алиев деган шахс З.Баймухановнинг эътиборини жалб этди. Аниқлаштиришда, Руслан амакиси Э.Каймаканов билан бирга Қўйлик даҳасида истиқомат қиларкан. Ammo афсуски, улар иккаласи ҳам ёш тадбиркор бедарак ғойиб бўлгач, қаёққадир жўнаб кетишган. Каймакановнинг онасининг айтишича, Русланинг ишхонасида қандайдир кўнгилсиз ҳол юз берганлиги учун хотинини олиб, Симферополга кетиб қолибди. Бундан ташқари, Р.Алиевнинг бутунлай Германияга кўчиб кетиш учун ҳужжатларини расмийлаштираётганлиги ҳам аниқланди. Ўз-ўзидан маълумки, З.Баймуханов гумондорнинг амаки акасини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Маълум бўлишича, у банкда етакчи мутахассис бўлиб ишларкан. З.Баймуханов тижорат банкларидан бирининг ходими сифатида Каймаканов ишлайдиган банкка бориб, у ердаги ходимлардан сўраб-суриштириб, ўзини қизиқтирган барча масалаларни аниқлаштириб олди. Қизиғи шундаки, ҳамкасбалари Каймакановнинг яқинда Германияга кўчиб кетишини ҳамда «тижорат банкнинг бу ходими, яъни З.Баймуханов «бир иложини қилса», Каймакановнинг ўрнига ишга ўтиб олиши мумкинлигини» ҳам шама қилиб қўйишди. Эртасига Каймаканов ўзининг хизмат кабинетига қўлга олинди.

Воқеа эса бундай бўлган эди: Ж.Рашидов ишга келиб, Р.Алиевга

ФОШ ЭТИШ САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ КРИМИНАЛИСТИКА БЎЛИМИ ФАОЛИЯТИДАН БИР ЛАВҲА

машинасини сотиш ниятида эканлигини айтади. У телефон қилиб, амаки акаси Каймакановни чақиради. Учвонлон машинанинг баҳосини келишиб олишгандан кейин, ака-укалар пул Қўйликдаги уйларида эканлигини айтадилар. Шу сабабдан ўша ерда ҳисоб-китоб қилмоқчи бўладилар.

Ammo улар Қўйликка етиб боришмайди. Йўлда Руслан олдиндан қўйнига солиб олган тош билан И.Рашидовнинг бошига орқа тарафдан зарб билан уриб, ўлдирди. Сўнгра жасадни шаҳардан ташқарига чиқаришиб, буталар орасига яширишади. Жиноят кундуз куни содир этилганига қарамадан, Қўйлик йўли овлоқ бўлгани учун ҳеч ким ундан хабар топмайди.

Ўша куни кечқурун Руслан хотинини олиб, И.Рашидовнинг машинасида Симферополга жўнаб кетади. Кайма-

канов эса вақтинча ўйнашиникида яшаб юради.

Каймаканов қўлга олингандан бир неча кун кейин Р.Алиев Тошкентга қўнғироқ қилиб, Германияга жўнаш учун виза тайёрми, деб сўрайди. Руслан Алиев Тошкент аэропортида,



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг криминалистика бўлими катта прокурори, адлия катта маслаҳатчиси З. Баймуханов иш устида.

самолётдан тушиш чоғида қўлга олинди. Ушбу жиноятнинг фош этилиши Зайнулла Баймухановнинг серкирра фаолиятидан бир лавҳа, холос. Мадаминов, Дултаев, Абдуллаев ва Каримов фаолиятларининг ўлдирлиши, Батаевлар оиласининг ўлдирлиши, (бу жиноят

костюмдан узилиб тушган битта тугманинг топилиши асосида фош этилган), Новиковлар ҳамда Фроловлар оилаларининг ўлдирлиши, Абдуллаевлар оиласининг ўлдирлиши, сўнгра жиноятни яшириш мақсадида уйга ўт қўйилиши, пул ундириш

мақсадида ўн ёшли Абдуллаев деган боланинг ўғирлиниши ҳамда ўлдирлиши фактлари бўйича қўзғатилган жиноят ишлари ҳам З.Баймуханов ва унинг ҳамкасблари томонидан фош этилган ва жиноятчилар тегишли жазоларга тортилганлар.

1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террористик-қўпурувчилик ҳаракатларини тергов қилишда мақола қаҳрамони фаол иштирок этиб, 1457 та турли хил экспертизаларнинг сифатли ўтказилишини таъминлаган.

З.Баймухановнинг «Терговчига эслатма» асари эса эндигина ўқийни тугатиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизматга келаётган ёш ходимлар учун ўзига хос дастуриламалдир.

Ушбу мақолани эътиборингизга ҳавола этишдан мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда уларда хизмат қилаётган жонқуяр ватандошларимиз сизу бизнинг тинчлигимизни қўлаб, куну тун енг шимариб ишлаётганликларини, жиноятга озми-кўпми мойил кишиларга эса жиноятга жазо муқаррарлигини, қинғир ишнинг қийини кирқ йилдан кейин ҳам барибир чиқишини бир эслатиб қўйиш эди.

Йўлдош ПАРДА,
«Хуқуқ» муҳбири

● БИР ҲУҚМ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Маълумки, Пайғамбар алайҳиссалом «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир», деб марҳамат қилган. Бу ҳадиси шариф оналарнинг нақадар юксак иззат-ҳурматга муносиб эканликларидан далолат беради.

Карима Тошпўлатова (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам шундай оналардан бири эди. У олис бир қишлоқда эмас, Тошкентнинг шундоқкина биқинидаги Янгийўл шаҳрида истиқомат қилар, оиласи, фарзандлари, уй-жойи, ўзига яраша мол-мулки бор эди. Ammo яқинда Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судлов хайъати Янгийўл шаҳрида ўтказилган сайёр-очик суд мажлисида бу аёлини Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ва жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтати тўғрисида ҳукм чиқарди. Ҳўш, «жаннат оёқлари остида бўлган», «дунёни бешикдек тебратиши лозим бўлган» бу аёлга одил суд нега бунчалар оғир жазо тайинлади?

Саволларга жавоб излаб ҳукмга кўз югуртирмаман. Унда ёзилишича, Карима Тошпўлатованинг бешта фарзанди бор экан. Хаёлга толаман, илгари кўнглимдан кечган, «болачакам деб, ўзини ўтга-чўққа урган бўлса керак-да», деган фикрларим хато эканлиги аён бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бешта фарзанддан фақат биттаси воёга етмаган бўлса, демак тўрттаси воёга етган. Ушларнинг энг кичиги ҳам ўн саккиз ёшдан ошган, яъни ота-она қўлига қарам чақалоқлар эмас. Ҳўқмада ёзилишича, К.Тошпўлатова Н.Эралиева деган илгари судланган шахсга икки

дона сигаретанинг фальт қозоғига (зар қозоғига) ўралган кўп миқдордаги «героин» гиёҳвандлик моддасини 2000 сўмга сотган. Эралиев Нуралининг-ку ахволи барчага маълум. У илгари уч марта судланган, охириги марта 1998 йил май ойида Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми би-

2000 сўмга сотганини, уйи тинтув қилинганда ҳам анчагина «героин» моддаси топилиганини тан олган.

Судлов хайъати К.Тошпўлатовага жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлигини, турар жойидан ижобий тавсифланганлигини, айбнинг шакли ва даражасини, энг асосийси эса, давлатимизнинг оналарга, умуман хотин-қизларга кўрсатаётган



КУКУННИНГ ОРА ҚИЛМИШИ



лан 3 йил озодликдан маҳрум этилган. Жазони ўтаб келгандан кейин ҳеч қаерда ишламаган, яъни айтмоқчиманки, гиёҳвандлик касалига мубтало бу шахс «героин»ни К.Тошпўлатовадан олмаганда, барибир бошқа бировдан олиб, истемол қилган бўларди. Ҳўш, К.Тошпўлатовани гиёҳвандлик моддаси билан савдо қилишга нима мажбур этди, ёхуд сал тўпориқроқ тилда айтганда, уни нима жин урди экан?

Хаёлга чўмаман. Бу аёлини аёл деб, она деб бўладими, дея ўз-ўзимдан сўрайман ва эшитажавобдан ўқиб, асаб толарим тараңлашиб кетади. Ахир қайси она одамларга «оқ ажал»ни ўз қўллари билан бериб, шунинг ҳисобига улардан пул олади? Ахир героин, яъни ўша оқ кукун оқ ажал эканлигини ҳозир ёни бола ҳам билди-ку.

Суд мажлисида К.Тошпўлатова айбига тўлиқ иқрор бўлган. У 2001 йилнинг 18 май куни Н.Эралиевага гиёҳвандлик моддасини

ҳимматини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўлади. Яъни унинг бешта фарзанднинг онаси эканлигини инобатга олиб, мажкур жиноят учун белгиландиган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо белгиланади.

Ҳозир К.Тошпўлатова уйига қайтган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия шарофатидан бу аёл бола-чақалари хузурига, уйига қайтиш имконига эга бўлди.

Ammo кемишларидан ўзига тўғри ҳулоса чиқариб олдимикан ёки аввалги ишини қолган жойидан давом эттирармикан?

Мана шу нарса мени кўпроқ ўйлантириб турибди.

Олимжон ЮЛЛИЕВ,
Республика Бош
прокуратурасининг бошқарма прокурори



ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ БАЙРАМ

Ҳар бир халқнинг ўз даҳолари бўлади. Аллома шоиримиз Алишер Навоий биз учун шундай сиймо. Даҳоларнинг эл-юрт учун қилган хизматларини санаб адогига етиш анчайин мушкул ишдир. Алишер Навоий мисолида айтадиган бўлсак, у — мамлакат бош вазири, у — ҳукмдор маслаҳатчиси, у — дипломат, у — ҳоким, у — кўплаб илмий ва тиббий муассасалар таъсисчиси, камбағал ва етим-есирларнинг ҳоймиysi.

Аммо, асосийси, ҳазрат Навоий буюк шоир сифатида халқ ёдида мангу қолди. Унинг ўлмас асарлари инсоният тафаккурининг олтин хазинасидан жой олди.

«Турк назмида чу мен тортиб алам, айладим ул мамлакатни якқалам», деб ёзган эди шоир. Навоий якқалам этган халқ бугун улуғ шоир таваллудининг 661 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда. Бу сана мохият ун умуминсоният миқёсидаги байрамдир.



*Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.*

*Туш-тушимдин баски расволиғ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқарлар ўтсалар ёнимдин эл.*

*Бахтим уйқусига гўёким сурудедур ҳазин,
Кўйида буким укамас ҳар тун афғонимдин эл.*

*Тонимаслар бир-бирин ёққон мазаллат гардинин,
Сўргали ҳолим кириб-чиққунча вайронимдин эл.*

*Менда гумори жунудек печ, ваҳким, бехабар,
Ҳар тараф кўнгулда қонлиғ доғи пишқонимдин эл.*

*Истарам, эй Хизр, келгаймён қилиб жон бирла тавф,
Қабайи кўйин хабар топқунча борғонимдин эл.*

*Эй Навоий, қилмағайлар айб агар девонаман,
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин эл.*

ДОНОЛАР ЕМИШКИ...

*Беша шерин гар забун қилсанг шу жоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шу жо.*

Алишер НАВОИЙ

*Тежамқор киши барчадан бойдир,
Бахил эса доим камбағал.*

ШАМФОР

Киши қанчалар бахил бўлса, шунчалар қаттиққўл, бешафқат бўлади.

Ф.ПЕТРАРКА

*Бойликдан жирканадиган, унга нафрат кўзи билан қарайдиганлар жуда кўп,
Аммо уни бировларга бериб юборадиганлар жуда кам.*

Ф.ЛАРОШФУКО

*Бахиллик, манманлик ва бузуқлик гарчи расман касаллик деб ҳисобланмаса-да,
Аммо ақлдан озшининг турли кўринишларидир.*

Б.СПИНОЗА

Қалбан, яъни ич-ичидан бахил бўлган кишини ҳеч қанақа бойлик тўйдиролмайди.

ПУБЛИЛИЙ СИР

Шудринг суви тўбсиз кудуқни тўйдиролмаганилиг сизгари дунё бийнатлари бахилнинг кўзларини тўйдиролмайди.

САЪДИЙ

*Бир очқудан сўрадилар:
— Нега сиз паловни икки қўлаб ейсиз?
— Учинчи қўлим бўлмаса нима қилай, дўстим?*

Шарқ ҳикмати

*Бахиллиги, қизганчиқлиги шу даражага бориб етгандики,
агар қўлидан келса, илзогини топса бурнининг бир катагидан нафас олган бўлурди.*

ИБН АР-РУМИЙ

ФУТБОЛ

ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

Футбол бўйича Швеция терма жамоаси дарвозабони Магнус Хедман умуман спиртли ичимлик ичмаслик тўғрисида ўзи учун «қонун» қабул қилди. Скандинавиялик азаматнинг айтишича, у то футбол бўйича ЖЧ тугагунга қадар бир грамм ҳам ичмасликка аҳд қилган. «Олдимизда машаққатли кунлар турибди. Бунинг учун эса жанговар ҳолатда туришим керак. Демак, биринчи галда алкохол истеъмол қилишдан тийилишим шарт», дейди дарвозабон.

Нима ҳам дердик, бизнинг футболчиларимиз ҳам Магнусдан ўрнатилган бўлар экан. Яна бир гап, мабодо Швеция терма жамоаси ЖЧда муваффақиятсиз иштирок этгудек бўлса, бояқиш Магнус қандай аҳволга тушар экан.



Болаларнинг беғубор оқиллари А. ТУРАЕВ олган сурат

Моҳият

*Бундоғга қарагин, ўртаси тилик,
Чироқни ёндириб бўлмас бешилик.
Минг йил қилган ибодатдан афзалдир,
Қила осанг бир одамга яхшилик.*

Қодир БАХШИ

КРИМИНАЛ

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚДИ

АҚШнинг Виржиния штатидаги почта бўлимларидан бирининг ходими Шэрон Устон почта ишини бузишда айбдор деб топилди. Сибирь вабоси ҳақида гап-сўз бўлаётган октябрь ойида у хатлардан бирига кукунсимон дори солиб қўйиб, ҳамкасбларидан бирининг иш столида қолдирган эди. Шундан кейинги «томоша» ҳақида гапирмасча ҳам бўлади. Натижада почтани етказиш ва миқозларга хизмат кўрсатиш тўхтатилиб, алоқа бўлими ёпилган эди.

Судья Пол Макнелтнинг сўзларига кўра ушбу иш юзасидан ҳукм яқинда чиқарилади. Айбдор 5 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Ўйиндан ўт чиқди, деб шунга айтсалар керак.

ТУҲФА

ПЕЛЕГА БАҒИШЛАНГАН МУЗЕЙ

Сан-Паулуда афсонавий футбол юлдузи Пеле ҳаётига бағишланган музей ташкил этилди. Музейдаги 500 дан ортиқ экспонатлар ичида футбол киролининг илк бор майдонга тушганида кийган спорт кийимларидан тортиб, болалик чоғларида унинг учун колпак вазифасини бажарган калаваланган пайпоқ, 1000-гол бўлиб дарвозага кирган чарм тўп ва ҳокзаларни кўришингиз мумкин.

Музей экспозицияси Бразилия шаҳарлари аро кўчиб юриши мўлжалланмоқда. Шундан кейин музей Қўшма Штатларга, сўнгра Европага йўл олади.

ТУҲФА ОЛАМ, ТУҲФА ОДАМЛАР

Дунёдаги энг новча аёл — покстонлик Зайнаб Биби ҳаж сафарига отланди. Биби ватандоши — энг новча эркек Муҳаммад Чаннадан бўй борасида унча қолишмайди. Унинг бўйи 2 метр 40 сантиметрга тенг бўлиб, 50-ўлчамдаги оёқ кийими кияди. Зайнабга отланган Зайнаб Биби учун махсус буюртма асосида бўйига 3,10 метр, энгига, 1,5 метрлик кроват тайёрланди. Ҳажинг қабул бўлсин, Зайнаб Биби.

Кобулда 29 январь куни мамлакат тимсоли ҳисобланган арслонни кўмиш «маросими» бўлиб ўтди. Маряён ёки Маржон лақабли бу арслоннинг куни Кобулдаги ҳайвонот боғида битди. Давлат тўнтариллари, инқилоблар, ҳукумат ўзгаришларини «бошидан кечирган» 25 ёшли бу арслон дунёга машҳур ҳайвонлардан саналади. Кўмишдан олдин унинг териси шилиб олинган. Албатта, ҳайвонот боғи ҳодимлари мамлакат тимсолининг ноёб терисини пуллаш учун эмас, ундан тулуп ясаб, ҳайвонот боғида асраб қўйиш учун бундай ишга қўл уришган.

— Дўстим, сенга нима бўлди? Уйланганидан кейин ҳам шимларингни ўзинг дазмоллаясанми?
— Мени кўпам ерга ураверма! Бу шим меники эмас, хотинимники-ку!

— Жонгинам, сен худди ойга ўхшайсан, — деди эр.
— Вой, бундай ажойиб фикр миянгига қаердан кела қолди, — деди хотин эркалиниб.
— Чунки сен кундан-кунга семириб, думалоқлашиб бораяпсан-да.

Бир бойвачча мактабда ўқийдиган ўғлини юпата бошлади:
— Бўлди, кўп хафа бўлаверма, мактабдан ҳайдашса ҳайдашибди-да. Эртага сенга янги мактаб олиб бераман.

Кўз доктори беморнинг кўзларини текшириб бўлгач, сўради:
— Жаноб, сиз касалхонамизни қандай топиб келдингиз?

Судья давогардан сўради:
— Айтинг-чи, машинангизни мана шу киши ўғирлаганига ишончингиз комилми?
— Жаноб судья, — деди давогар, — жавобгар ёллаган оқловчининг гапларидан кейин менда умуман машина бўлганлигига шубҳаланиб қолдим.

— Хўжайин, уйда бир неча кун ёлғиз қолсангиз, нима қилган бўлардингиз? — сўради хотини.
— Билмадим, — деди эр гўлдираб, — ҳар ҳолда сен нима қилсанг, мен ҳам шундай қилсам керак.
— Э-ҳа, шунақа денг, ўзим ҳам билардим-а, аммо мана сирингизни ўзингиз фош қилиб қўйдингиз. Бевафоллик қиларсиз, деб ўйламоқдими.

Бир қиз ошпазлик тўғарагига қатнашарди. Бир куни онаси ундан сўради:
— Қизим, ўзларинг тайёрлаган овқатлардан ейишларинг мумкинми?
— Мумкинми, деганингиз нима-си, ойижон, бизга уларни мажбурлаб едиришади.

Йўлдош ПАРДА тайёрлади

«МЕРСЕДЕС» ТОПИЛДИ

Россияда илк марта бутун Европани қамраб олган сунъий йўлдош тизими (спутник) орқали ўғирланган автомобилни топишга муваффақ бўлинди. 2001 йил 10 декабрда Италияда ўғирланган «Мерседес» 1 февраль куни Москвада «юрган экан».

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририяти жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Дилшод Исмоловга буваси **ИСЛОМ** отанинг вафот этганилиги муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг Акмал Икромов тумани бўлими бошлиғи Ҳ.Аҳмедовга отаси **Шавкат АҲМЕДОВ**нинг вафот этганилиги муносабати билан «чуқур таъзия изҳор қилади.

